

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ФУҚАРОЛАРНИНГ
ХУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ
ОРГАНЛАР ВА МУАССАСАЛАР БИЛАН ХАМКОРЛИГИНИНГ
ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

Ўсаров Садриддин Каримбердиевич

Ислом Каримоч номидаги Тошкент давлат техника
университети Олмалиқ филиали юристи
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13846071>

Аннотация. Ушбу мақолада профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари ёритилиган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, фуқаролар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, субъект.

Профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорликда профилактик фаолиятини ташкил этиш амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари ҳамда чора-тадбирларидан бири сифатида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш белгиланган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасида Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар кўрсатилган бўлиб, буларга:

1. Ички ишлар органлари;
2. Прокуратура органлари;
3. Давлат хавфсизлик хизмати органлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари;
5. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;
6. Адлия органлари;

7. Давлат божхона хизмати органлари;

8. Давлат солиқ хизмати органлари;

9. Меҳнат органлари;

10. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

11. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

12. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари.

13. Коррупцияга карши кураш агентлиги;

14. Ёшлар агентлиги ва унинг худудий бўлимлари;

Профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорликдаги профилактик фаолиятни ташкил этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг бевосита ушбу 9-моддасида кўрсатилган органлар билан ҳамкорликда амалга оширади. Ушбу қонунга асосан фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини оширишда адлия органлари билан ҳамкорлиги асосий ўрин тутди. Ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш чора-тадбирларини амалга оширишларининг самарадорлиги юқоридир. Профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлиги биринчидан, бу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг бу соҳадаги ваколатларининг кенг қамровли амалга оширилишига, иккинчидан, уларнинг бу йўналишдаги фаолияти учун ҳуқуқий асос қанчалик даражада ишлаб чиқилганига учинчидан, улар ўртасида ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизми қандай даражадалигига, тўртинчидан, ушбу ҳамкорликни ташкил этувчи кадрларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ.

Профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорлигининг объекти кенг жамоатчиликдир. Хусусан, маҳалла аҳолиси, меҳнат жамоалари (корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари),

вояга етмаганлар жамоаси (мактаб, коллеж ва академик лицейлар), ёшлар жамоаси ва бошқалар. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш профилактик тадбирларнинг амалга оширилиши жараёнида барчага бир ҳил равишда етказиб берилиши билан ажралиб туради 14 . Профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда фаолиятини ташкил этишда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга қаратилган тадбирлар муҳим ўрин тутди. Чунки бу жараёнда ҳудуддаги ёки маълум бир гуруҳлар ўртасидаги муаммолар, низолар ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий кўриниши таҳлил этилади; иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини тўғридан-тўғри амалга ошириш киради, масалан, фуқаролар билан учрашувлар ташкил этиш, маърузалар ўқиш, тарғибот- ташвиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш кабилар. Профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари вакилларини, фуқароларни жалб этиш;

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, жойларда маърузалар ўқиш, давра суҳбати, учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видеороликлар намоиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшиттириш, интернет тармоғида қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор қилувчи, фуқароларни огоҳликка чақирувчи ва ҳуқуқий маданиятнинг ошишига хизмат қилувчи маълумотларни жамлаган турли сайтлар, блоглар ва чатлар ташкил этиш, шунингдек аҳоли гавжум жойларда ҳамда пиёдаларнинг фаол ҳаракатланиш йўналишларида патруллик йўналишларини ташкил этиш, маъмурий

худудни профилактик кўздан кечириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этилишини таъминлаш;

- Профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширишида Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган янги қонунлари, Президент қарорлари, фармойишлари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг ахамияти беқиёслигини ҳисобга олиб бу жараёнга бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маънавий-ҳуқуқий тарғибот марказлари, таълим муассасаларининг вакилларини, шунингдек олимларни, шоирларни ва депутатларнинг жалб этилишини таъминлаш;

- маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо этаётган сабабларни ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаганда уларни бартараф этиш юзасидан корхона, ташкилотуассаса ва ўзини ўзи бошқариш органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдимнома киритилишини таъминлаш.

Профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорлигини ташкил этиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

-ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича қўшма тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш;

-коллегиал қарорларни талаб қилувчи вазифалардан келиб чиқиб қўшма йиғилишлар ўтказиш;

-фаолиятга баҳо бериш ва биргаликда амалга оширилган ишлар натижаларини ҳисобга олиш;

-ҳамкорликни ташкил этишнинг илғор шакллари ва усулларини умумлаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш.

-Ҳамкорликнинг даражаси, доираси ва хусусиятидан келиб чиқиб, қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги ҳамда уни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжатларда тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланган. Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги ҳамда уни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича 2014 йил 14-майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-боби 23-моддасида Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари белгиланга Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш¹⁵. Ушбу чора-тадбирлардан аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот олиб бориш тадбири фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг асосий тадбири саналади ва кенг қўлланилади.

